

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 29.08.2017. S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ КАМОЛ АШУРОВИЧ**

**МУДОФАА ТИЗИМИДА АХБОРОТНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ  
(ОЧИҚ МАНБАЛАР МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Сиёсий фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по политическим наукам**

**Abstract of dissertation of doctor of philosophy (Phd) on political  
sciences**

**Хайдаров Камол Ашурович**

Мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини  
таъминлаш механизми (очиқ манбалар мисолида).....3

**Хайдаров Камол Ашурович**

Механизм обеспечения психологической безопасности информации в  
системе обороны (на примере открытых источников).....22

**Khaydarov Kamol Ashurovich**

The mechanism of providing psychological security of information in the system  
of Defence (As the example of open sources) .....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....45

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 29.08.2017. S.01.08  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАЙДАРОВ КАМОЛ АШУРОВИЧ**

**МУДОФАА ТИЗИМИДА АХБОРОТНИНГ ПСИХОЛОГИК  
ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМИ  
(ОЧИҚ МАНБАЛАР МИСОЛИДА)**

**23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар**

**СИЁСИЙ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Sios99 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (sf-ik) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Самаров Рустамжон Садриддинович  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Идиров Улуғбек Юсупович  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Қодиров Акмалжон Расулович**  
ҳарбий фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Ижтимоий фанлар факультети, 5-қават, 511-хона. Тел: (99871) 246-52-74; факс: (99871) 246-02-24), e-mail: nauka@nuu.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (71) 246-02-24 Ўзбекистон Миллий университети Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси.

**Ш.И.Пахрутдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

**О.Р.Мусаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.д. проф.в.б.

**Б.Т.Тўйчиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш борасида улкан амалий тажриба тўпланган. Ҳарбий-сиёсий жараёнларнинг динамик таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ, Франция, Германия, Исроил, Хитой, Россия Федерацияси каби ривожланган мамлакатлар мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш учун мавжуд ресурслардан тўлақонли фойдаланиб келмоқда. Мудофаа тизимининг ривожини сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, психологик ва техник омилларга боғлиқ бўлиши билан бирга, жамият ҳаётида мавжуд воқеликлар, яъни турли кўринишдаги қийинчиликлар, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳамда инсонларда маънавий-ахлоқий ва жисмоний соғлиқнинг йўқолиб бориши каби натижасида тобора долзарблашиб бормоқда. Мамлакат мудофаасини таъминлаш давлатнинг асосий функцияларидан бири бўлиб, сиёсий ҳаёт элементи сифатида инсон, гуруҳ ва жамоанинг ҳаёти, фаолияти хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Дунёда глобаллашув давом этаётган ва ахборот маконида ўзаро кураш кучайган шароитда мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми соҳасида бир қатор илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, ахборот-коммуникация маконида давлат суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафкуравий ва психологик ҳаракатларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда давлат мудофаа сиёсатининг барча йўналишларида кенг қамровли дастурий тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш; ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларга қарамасдан, мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш зарурати сақланиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (1997), «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа Доктринаси тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 октябрдаги 838-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» Қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари қоида-талабларини янада такомиллаштириш, ижросини таъминлаш ва мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми самарадорлигини янада оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий такомиллаштириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳарбий сиёсат ўз мақсади, ҳажми, вазифалари, тузилишига эга бўлиб, назарий-сиёсий таҳлилни амалга оширишда унинг фаолият сифатида институционал мавжудлиги бўйича жамиятнинг сиёсий ҳаёти, фаолиятини таъминлаши зарурият эканини назарда тутиб, субстанционал белгилари бўйича тадқиқ этилиши лозим. Мазкур масала илмий асосга эга бўлиб, у тарихий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, социологик, тиббий, техник каби жиҳатларни қамраб олади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимларидан Ватан ҳимоясини таъминлашда ватанпарварлик феноменини С.Ахроров, Б.Тўйчиев, Ж.Раматов, З.Алимардонов, Р.Самаров кабилар ўрганган. Ш.Пахрутдинов, Р.Рашидов, Ф.Каримов томонидан мудофаани таъминлаш ва ҳарбий хавфсизлик, А.Рахмонов барқарор ривожланишни таъминлашда давлат ва халқ ўртасида мулоқот; М.Муҳаммадсидиқов, А.Назаров минтақавий ҳамкорлик, сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганган. Ҳарбий тадқиқотчилардан А.Қодиров, А.Икрамов, И.Абдурахмонов ҳарбий хавфсизлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтан. Ш.Ҳайитов хавфсизликни ҳарбий фан категорияси сифатида ҳозирги ривожланиш жараёнида давлат хавфсизлиги, ҳарбий хавфсизлик, мудофаа хавфсизлиги, шахс хавфсизлиги, халқаро хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, экологик хавфсизлик каби масалаларнинг умумий назариялари доирасида ўрганган<sup>1</sup>. А.Рахманов

<sup>1</sup> Ахроров С. Ҳарбий хизматчиларда девиант хулқ ифодаланиши Ж. Муҳофаза +, 2008, 2-сон. -Б.22-24.; Тўйчиев Б. Проблемы формирования правового сознания в современных условиях / Сб. статей Проблемы патриотического воспитания будущих офицеров на этапе становления независимости Узбекистана. – Т.: Академия МВД Руз., 1996.; Раматов Ж. (ҳаммуаллифликда) Қуролли Кучлар барқарорлигининг кафолати / Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: МВ, 2005. – Б. 17-20.; Алимардонов З.Ш. Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш // Педагогика фанлари

“Ҳарбий хавфсизлик Ўзбекистоннинг шундай давлатлараро муносабатлар ва мудофаага лаёқатлилик ҳолати, бунда уруш эҳтимоли энг паст даражага етказилади, яъни жанговар ҳаракатларни келтириб чиқаришга ундайдиган омилларга ҳамда ўзи учун ноқулай бўлган вазиятга барҳам бериш мақсадида курул-яроғ дастурларини ривожлантиришга йўл қўйилмайди”<sup>1</sup>-деб ёзади.

Тадқиқотчи Ф.Эсаев Ўзбекистон Республикаси мудофаасини таъминлашнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларига эътибор қаратиб, фуқароларнинг ҳарбий тайёргарлик масаласига эътибор қаратишни тавсия этган<sup>2</sup>. Ахборотнинг хавфсизлигини очиқ манбалар мисолида ўрганиб келаётган тадқиқотчилар асосий эътиборни ахборотни узатиш воситаларига қаратиб келмоқдалар<sup>3</sup>. Ахборотнинг таркиби, мазмуни ва объектга қаратилганига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Мавзуга оид назарий-ҳуқуқий масалаларнинг айрим жиҳатлари МДҲ ва узоқ хорижий давлатлар олимлардан, А.Неууод сиёсий тизим фаолияти, сиёсий жараёнларда ахборот омили, сиёсий коммуникация моделлари таҳлилини амалга ошириш, ахборот ва унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига сиёсий коммуникация тизимининг функционал тарзда амал қилишига эътибор қаратган<sup>4</sup>. Н.Корф ахборотни мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимида ўрганиб, унинг таъсир кучи рақиб армиясининг (шахсий таркибининг) жанговар фаолиятини издан чиқарувчи куч эканини кўрсатиб ўтган. Жумладан, “Жангга тайёргарлик кўриш, ҳужумга ўтишга тайёргарлик кўриш – (ахборот воситасида) рақибга зарар етказмоқ, заифлаштирмоқ, уни руҳиятини синдирмоқ”,<sup>5</sup> деб ёзган. И.Макаренко ва В.Морозов давлатнинг ҳарбий хавфсизлиги тузилишини ўрганиб, таҳдидларни бартараф этишга замонавий ёндашувни таклиф этган<sup>6</sup>. Муаллифлар, фавқулодда вазиятларда турли омиллардан даражавий (шахсий, гуруҳий, жамоавий) тарзда фойдаланишни ҳарбий-техник, ижтимоий ва тактик масалаларни тинчлик ва барқарорликни таъминлаш амалиёти нуқтаи назари

---

бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2019. – № 2. – 197 б.; Самаров Р. Вооруженные силы гарант безопасности страны и стабильности в регионе // Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларининг тарихи, бугуни ва келажаги // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Тошкент: МВ, 2005. – Б. 226-229.; Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч (мақола ва маърузалар тўплами). – Т.: Академия, 2001. – Б.11-12.; Рашидов Р.Р. Афгон давлатчилиги шаклланишига халқаро ва минтақавий жараёнларнинг таъсири // Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дис... автореф. – Т., 2018. – 47 б.; Раҳмонов А. Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви. - Т.: Академия, 2007, 6-бет., Раҳмонов А.Р. Проблемы безопасности. – Т., 2009.; Муҳаммадсидиқов М.М. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири // Сиёсий фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган дис...автореферати. – Т., 2018. – 70 б.; Назаров А.Н. Глобаллашув шароитида сиёсий тараққиёт хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш жараёнларининг эволюцияси // Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. – 45 б.

<sup>1</sup> Раҳмонов А. Юрт тинчлиги - барқарорлик мезони // Жамият ва бошқарув 1-сон, 2006. 33–бет.

<sup>2</sup> Эсаев Ф.М. Ўзбекистон Республикаси мудофааси - давлатнинг муҳим вазифаси, унинг умумхалқ иши // Услубий қўлланма. - Тошкент, 2010. - 48 б.

<sup>3</sup> Умаров Б.М., Қодиров У.Д., Каримов Х.К. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2012. – 222 б.

<sup>4</sup> Neuwood A. Politics. - New-York. 2002. – Pp. 89.

<sup>5</sup> Корф Н. О воспитании воли военачальников. - Спб., 1906. - С.247.

<sup>6</sup> Макаренко И.К., Морозов В.С. Военная безопасность государства: сущность, структура и пути обеспечения на современном этапе. – <http://www.vrazvedka.ru/4images/index.php>

асосида ўрганиб, мудофаа ва хавфсизлик тизимининг илмий асосини мустаҳкамлашни таклиф этган. Ҳарбий сиёсатшунос А.Чертополох биринчилик эффекти ва ахборотни таҳлил этишда манфаатларни ҳимоя қилиш масаласини ўрганган<sup>1</sup>. J.Knutson ахборотнинг сиёсий фаолиятда бажарадиган функцияларининг сиёсий қарор қабул қилишга таъсири, қарорнинг тури ва сифати ахборотнинг асослилиги билан боғлиқ эканини кўрсатиб ўтган<sup>2</sup>. H.Laswell сиёсий коммуникация моделини таклиф этиб, ахборот хавфсизлигини таъминлашда унинг узатувчиси, ахборот каналлари, ахборот истеъмолчисига узатиш вақтини инобатга олишни таклиф этган<sup>3</sup>.

Хорижда нашр этилган манбаларда мудофаани таъминлашда “юмшоқ куч”дан фойдаланиш (сиёсий технология сифатида) масаласига алоҳида эътибор қаратган<sup>4</sup>. Бунда экспансиявий ҳаракатларнинг босқичли амалга оширилиши ва таркибида маданий ҳамда маърифий элементлар устунлик қилиши кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Бундесверда (Германия) мудофаа фаолиятининг муваффақиятли кечишини таъминлашда ҳарбийларнинг касбий тайёргарлиги юқори бўлиши, касбий тафаккури юқори даражада шаклланганлиги, руҳий ва жисмоний тайёргарликка эгаллигига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг “этик, ижтимоий, маданий ва лингвистик компетенлигини ривожлантиришга функционал тарзда ёндашиб келинмоқда”<sup>5</sup>.

А.Кулаков, мудофаа ва хавфсизликни таъминлашда фуқаролик институтларининг функционал доминантлигини инобатга олиб, армия устидан фуқаролик назорати масаласини ўрганиб чиққан. Унинг фикрича, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва сиёсий онгининг шаклланганлик даражаси фуқаролик назоратини амалга оширишни белгиловчи хусусий компонент ҳисобланади<sup>6</sup>. Аммо олим бу жараёнда ахборот ва унинг психологик хавфсизлиги масаласига етарли эътибор қаратмаган. Сиёсий мулоқот бўйича тадқиқотлар ўтказган тадқиқотчи Г.Почепцов “Ахборот хуружи, компьютерларга ҳужум, психологик операциялар ахборот операцияларидан иборат” деб, ахборот операцияларнинг алоҳида ва доимий таркибий компоненти эканини кўрсатиб ўтган<sup>7</sup>. Ваҳоланки, компьютер ва бошқа электрон технологиялар операцияларни амалга оширишда восита ҳисобланиб, ҳарбий хизматчи-субъект томонидан фойдаланилади.

В.Барабин ҳарбий-сиёсий фаолиятнинг моҳиятини белгилар экан, ҳарбий ва сиёсий фаолиятнинг маълум маънода бир-биридан мустақиллигини кўрсатиб, “сиёсий ва ҳарбий фаолият ўзаро кесишувга, ўзаро алоқадорликка эга ва ушбу алоқадорликда, диалектик ҳамоҳангликда

<sup>1</sup> Чертополох А.А., Костин А.В. Информационный фактор в военной политике. – М.: ВУ, 2000. - С.47-69.

<sup>2</sup> Knutson J. Handbook of political psychology. San Francisco, 1973. - P. 438.

<sup>3</sup> Laswell H.D. The Theory of Political Propaganda // Public Opinion, 1996.

<sup>4</sup> MENL 2004, 6 November \$ Daily Star. 2004. 8 September.

<sup>5</sup> Grundzüge der Konzeption der Bundeswehr. – Berlin: Bundesministerium der Verteidigung, Arbeitsbereich Öffentlichkeitarbeit, 2004. – S. 38.

<sup>6</sup> Кулаков А.А. Гражданский контроль над армией: мировой опыт и российская специфика // Автореф... дис... канд... филос... наук. – М.: ВУ, 1998. – 32 с.

<sup>7</sup> Почепцов Г. Психологические войны. – М.: «Рефл-бук», «Ваклер», 2000. – С. 335.

уларнинг ҳам умумий белгилари, ҳам ўзига хос фарқлари намоён бўлиши”ни таъкидлайди<sup>1</sup>.

Ўрганилган манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жамият тинчлиги ва барқарорлигини таъминлашда мудофаа фаолияти очик манбалар мисолида сиёсий жиҳатдан ўрганилмаган. Шу билан бирга, глобаллашувнинг жамият ҳаётининг турли соҳалари, жумладан, ахборот соҳасига (инфосферага) ҳам яққол таъсири кузатилмоқда.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат техника университетининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ислохотларининг муштараклигини таъминлаш” ҳамда Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтининг “Мудофаа ва хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, психологик, ҳарбий-техник жиҳатлари” мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми билан боғлиқ сиёсий муносабатларни комплекс таҳлил қилиш асосида мудофаа соҳасидаги ахборот-психологик чора-тадбирларни такомиллаштириш ва уларни қўллаш амалиётининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг модернизациялашуви жараёнида ахборотни идрок этишда фон ва фигура, ахборотни таҳлил қилишда турли элементларнинг иштирок этишини белгилаш;

сиёсий коммуникация воситаларини ўрганиб, ахборот хавфсизлигини таъминлаш моделини тайёрлаш, эмпирик тадқиқотлар асосида ахборот хавфсизлиги компетенциясини шакллантириш учун асосий компонентларни функционал (вазифадорлиги) жиҳатидан белгилаш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашда сиёсий, ҳуқуқий, маданий, ижтимоий ва техник каби омилларнинг концепт таҳлилини амалга ошириш;

мудофаани таъминлашда куч (қудрат) ва унинг структурасини ҳамда соҳа ходимларини ахборот хавфсизлигини таъминлашга тайёрлашнинг сиёсий-компетенциявий моделини ишлаб чиқиш;

ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари, принциплари, йўналишлари ва методларини миллий манфаатлар ҳимоясини амалга ошириш контекстида қиёсий таҳлил қилиш;

инсон, жамият ва давлатнинг ахборот хуружидан психологик хавфсизлигини таъминлашга доир илмий ёндашувларнинг қиёсий таҳлилини амалга ошириш;

---

<sup>1</sup> Барабин В.В. Военно-политическая деятельность государства в системе национальной безопасности. – М.: Международная программа образования, 1997. – С. 80.

мудофаани таъминлаш амалиётида очик манбалар воситасида узатиладиган ахборотларни жамлаш, саралаш ва таҳлилни амалга оширишнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш методикасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикаси миллий мудофаа тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир чора-тадбирлар мажмуаси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** мудофаа тизимида ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига доир масалалардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ретроспектив ва қиёсий таҳлил, экстрополяция, сиёсий моделлаштириш, сиёсий ташхис, сиёсий прогноз, контент таҳлил, социологик сўров ва статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасидаги «мамлакат мудофааси» таърифи “ахборотга оид чора-тадбирлар тизими” деган тушунчани киритиш орқали такомиллаштирилган;

замонавий сиёсий можароларда ҳар томонлама устунликка эришиш ва халқаро жамоатчилик фикрини ўз манфаати йўналишида шакллантириш учун, энг аввало, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш самарали экани асослаб берилган;

мамлакат мудофаа тизимини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ахборот-психологик хавфсизлик тизимини шакллантириш, ахборот ёрдамида фаол курашишнинг очик ва ёпиқ шакллари, ёлғон хабар тарқатиш, вазиятни таранглаштириш, адаштириш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат ҳарбий ташкилотининг бошқарув тизимида юқори даражада ҳимояланган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лозимлиги асосланган;

мудофаа тизимида ахборот-психологик хавфсизлик масалалари тактик, тезкор ва стратегик каби даражаларга ажратилган ҳолда таснифланган ҳамда ахборий ҳужумнинг мақсади ўз манфаати йўлида бирон-бир ёт ғоя, хулқ-атвор намунаси, бошқарув усулига (стратегик) ўзгача қоидалар ва ҳаёт тарзини тарғиб этиш эканлиги очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи бандини амалиётга татбиқ этиш, хавф ва таҳдидларнинг интеллектуаллашуви шароитида мудофаа хавфсизлигини такомиллаштириш учун ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар мазмунини бойитиш учун хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот методологик базасининг мукамаллиги, адекват илмий-тадқиқот методларининг қўлланилиши, ишончли ва самарадор замонавий математик статистика усулларида фойдаланилиши ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил, талқин этилганлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги,

хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, олинган натижалар йирик илмий анжуманлар доирасида етакчи олимлар иштирокида муҳокама қилингани билан таъминланди.

**Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари ахборот-психологик хавфсизликка доир илмий таълимотларнинг такомиллашуви, сиёсий институтлар, сиёсий жараёнлар ва сиёсий технологияларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш контекстида амалга ошириладиган тадқиқотлар, яратиладиган дарслик, услубий қўлланмалар учун назарий манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мудофаани таъминлаш амалиёти учун тайёрланадиган кадрлар (билимлар соҳаси: 700000), олий таълим муассасаларида “Мудофаа ва хавфсизлик” ҳамда “Очик тизимларда ахборот-психологик хавфсизлик” предметидан таълим берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириш амалиётида, уларнинг сиёсий компетенциясини ривожлантириш учун ўқув-тренингларни ўтказишда, сиёсий коммуникация моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш назарда тутилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мудофаа тизимида ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш механизмларини ўрганиш борасидаги таклифлар асосида:

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасидаги «мамлакат мудофааси» таърифи, “ахборотга оид чора-тадбирлар тизими” деган тушунчаларни киритишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида қўлланган асосий тушунчаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган ва Доктринанинг 5-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар мамлакат мудофаасига доир концептуал ғоя ва тушунчаларни янада бойитишга ва норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга хизмат қилган;

замонавий сиёсий можароларда ҳар тамонлама устунликка эришиш ва халқаро жамоатчилик фикрини ўз манфаати йўналишида шакллантириш учун, энг аввало, ахборот-психологик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланиш самарали эканлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасининг 14-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар замонавий ҳарбий можароларнинг ўзига хос бўлган асосий хусусиятларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

мамлакат мудофаа тизимини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида ахборот-психологик хавфсизлик тизимини шакллантириш, ахборот ёрдамида фаол курашишнинг очик ва ёпиқ шакллари, ёлгон хабар тарқатиш, вазиятни таранглаштириш, адаштириш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда давлат ҳарбий ташкилотининг бошқарув тизимида юқори даражада ҳимояланган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш лозимлигига оид таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасининг 16-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар мудофаа соҳасида ахборот хавфсизлиги тизимини шакллантиришни таъминлашга хизмат қилган;

мудофаа тизимида ахборот-психологик хавфсизлик масалалари тактик, тезкор ва стратегик каби даражаларга ажратилган ҳолда таснифланган ҳамда ахборий ҳужумнинг мақсади ўз манфаати йўлида бирон-бир ёт ғоя, хулқ-атвор намунаси, бошқарув усулига (стратегик) ўзгача қоидалар ва ҳаёт тарзини тарғиб этиш эканлигига доир таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасининг 29-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 06/2-06-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар давлат ҳарбий ташкилотини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашга хизмат қилган;

мудофаа тизимида ахборот-психологик хавфсизликни тактик, тезкор ва стратегик даражаларда таъминлаш каби турли мезонларга асосан таснифлаш ва ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш тушунчасига доир таклифлардан “Ҳарбий таълим” йўналиши курсант ва тингловчилари учун “Ахборот хавфсизлик психологияси” (2018 й., 718-087 рақамли гувоҳнома) ўқув қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг 2019 йил 2 октябрдаги 14 (ипккм)-сон маълумотномаси). Натижада, “Ахборот хавфсизлик психологияси” фанининг “Глобаллашув жараёнида шахсни деструктив ахборотдан хавфсизлигини психологик таъминлаш омиллари” ва “Ўзбекистонда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг аҳамияти” каби институтларининг илмий-назарий жиҳатдан бойишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманида илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Илмий тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижда амалга оширилган илмий тадқиқотлар шарҳи мудофаани таъминлаш контексти доирасида таҳлил этилган, мавзуни хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан илмий ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мудофаа хавфсизлигини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** номли биринчи бобида мудофаа, мудофаа хавфсизлиги, мудофаа фаолиятига доир бўлган илмий ёндашувлар таҳлил этилган. Жумладан, мудофаа фаолияти тушунчасининг замирида, мамлакат хавфсизлигини ташқи хавф ва таҳдидлардан таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонунчилик асносида аниқ муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар фаолияти мудофаасини таъминлаш мақсади асосида мувофиқлаштиришга қаратилган механизмини тушуниш лозим.

Тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг асоси бўлмиш мудофаа фаолияти ўз тузилиши ва моҳиятига эга бўлиб, вазифавий жиҳатидан бир нечта мазмунни англатади:

мудофаавий ҳаракатни амалга ошириш;

аниқ макон, вазият ва вақт оралиғида ҳарбий-сиёсий ҳолат(вазият)ни ўрганиш;

муайян тарихий вақт ўлчовида, ресурсларни инобатга олган ҳолда миллий ҳарбий-сиёсий мақсадни шакллантириш;

миллий мудофаани таъминлаш йўлида миллий ҳарбий-сиёсий мақсадни такомиллаштириш;

барқарорликни таъминлаш йўлида ҳарбий-сиёсий қарорни тайёрлаш;

миллий манфаатларни ўзида мужассам этган ҳарбий-сиёсий қарорни илгари суриш учун ресурсларни инобатга олиш;

миллий мудофаани таъминлашнинг тараққиёт режасини ишлаб чиқиш;

мудофаани амалга ошириш режасини бажариш учун шарт-шароитларни яратиш ва амалиётга қўллаш;

мудофаани таъминлаш йўлида эришилган натижаларни баҳолаш (назорат қилиш) ва б.

Мудофаани таъминлаш масаласига доир бир нечта таълимотлар мавжуд. Уларнинг муҳимлари “Умумий хавфсизлик таълимоти”, “Кичик урушлар назарияси”, “Замонавий урушлар назарияси”, “Мудофаани таъминлашда тизимли ёндашув”, “Барқарорликни таъминлашда ҳарбий куч” кабилар ҳисобланади. Уларнинг асосида турли илмий ёндашувлар ёрдамида яратилган таълимотлар мужассамлашгандир. Ҳар бир илмий ёндашув асосида учта ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган: онтологик, гносеологик ва методологик жиҳатлар мавжуд. Уларнинг сиёсий таснифини: онтологик жиҳатдан тамойилларнинг генезиси, уларнинг табиати, моҳияти, сиёсий макон билан боғлиқлиги, тутган ўрни кабилар акс эттирилган бўлади; гносеологик жиҳатдан эса, тамойиллар таҳлилининг характери, тили, мантиқи ҳамда тузилишининг илмий шарҳ билан боғлиқлиги ифодаланади; методологик жиҳатдан тамойилларга амал қилишнинг назарий ва амалий механизмлари кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлашнинг умумий мақсади – ҳарбий хавфнинг олдини олиш, кенгайишига йўл қўймаслик (локализациялаш) ва бартараф этиш (нейтраллаштириш)да намоён бўлади. Ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик мақсади – ҳар қандай давлат ёки давлатлар иттифоқи томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро муносабатлар субъекти сифатидаги роли ва аҳамиятини заифлаштириш, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти векторини ўзгартириш, миллий манфаатларга зиён етказиш мақсадидаги турли кўринишдаги таъсирлари эҳтимолини бартараф этиш имконини берувчи мамлакатимизнинг сиёсий, халқаро ва ҳарбий-стратегик ҳолатини шакллантириш ва сақлаб туришдан иборатдир. Ҳарбий хавфсизликка – давлатнинг ҳаётий манфаатларига қаратилган таҳдидларга адекват ягона давлат сиёсатини қўллаш, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, ташкилий ва бошқа характердаги чоралар тизими орқали эришилади.

Ҳарбий сиёсат ўзида давлат фаолиятининг бир неча йўналишларини (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, дипломатик, маданий ва б.) мужассам этиб, жамият ҳаётининг мураккаб кўриниши сифатида намоён бўлади. Дунёда ҳарбий-сиёсий муносабатларнинг ривожланиши, қуролланиш ва ҳарбий техника соҳасида сезиларли ўзгаришлар ва бошқа асосли далилларга янги қарашларни ҳисобга олганда, дунёдаги кўпчилик мамлакатларнинг ҳарбий сиёсати экстремистик кучлар ва халқаро терроризмга қарши курашишга қаратилган. Халқаро ҳарбий-сиёсий вазиятнинг таҳлили асосида таъкидлаш мумкинки, давлатларнинг ҳарбий сиёсати вужудга келган жорий ҳарбий-сиёсий вазиятга қараб ўзгариши мумкин. Бунда жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига зид бўлган, таркибида ҳарбий унсур мавжуд бўлган ҳар қандай хавф ва таҳдидларни тизимли ёндашув асосида ўрганиб, унга тўғри сиёсий баҳо бера олиш талаб этилади. Шундагина ҳарбий сиёсат мамлакат мудофаасини таъминлашда амалий мазмун касб этади.

Ҳарбий сиёсат давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, унинг асосий вазифаларини мудофаа ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, халқаро мажбуриятларни бажариш, барқарорликни ва суверенитетни таъминлаш ташкил этади.

Диссертациянинг “**Мудофаани таъминлаш тизимида ахборот хавфсизлиги омилининг роли**” номли иккинчи бобида ҳарбий фаолият шароитида ҳарбий хизматчи хулқиға таъсир этувчи омилларни аниқланиши экстремал ҳолатларда юз бериши мумкин бўлган четлашишлар ва йўқотишларнинг олдини олиш имконини бериши кўрсатиб ўтилган.

Мудофаа фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлашда сиёсий коммуникация воситаларидан фойдаланиб, жамиятда мудофаа онгини шакллантириш лозим. Тадқиқотнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Ватанпарвар” газетасининг контент таҳлили амалга оширилди. Бунинг учун 2016, 2017, 2018 ва 2019 йилнинг февраль ойларигача чиққан сонлари танлаб олинди. Бунинг учун, газетада жойлаштирилган ахборотлар ижтимоий соҳага, ҳарбий соҳага, сиёсий соҳага, ҳарбий-техник соҳага ҳамда ҳарбий-илмий соҳаларга ажратилган тарзда тадқиқ этилди. Чунки мудофаани таъминловчи субъектларнинг касбий ҳаёти, онг ва англаш дунёси билан боғланган бўлиб, улар онг воситасида ахборот таркибидан хавфли элементлар моҳиятини, ҳарбий ва сиёсий жараёнларнинг динамикасини англаб, мудофаа учун хавфли ва хавфсиз ахборотларни ажрата оладилар. Бу жараёнда мудофаа онги вазифавий жиҳатидан хавфни хавфсизликдан, хатарни хатарлидан ажратиш учун хизмат қилади. Унинг шаклланиши ва ривожланишида сиёсий коммуникация воситаларининг ўрни муҳим.

## 1-жадвал


### Ҳарбий хизматчиларда мудофаа онгини шакллантиришда сиёсий коммуникация (миқдор кўрсаткичи)

Ижтимоий соҳага оид ахборот	Ҳарбий соҳага оид ахборот	Сиёсий соҳага оид ахборот	Ҳарбий-техник соҳага оид ахборот	Ҳарбий-илмий соҳага оид ахборот	Бошқа мавзуларга оид ахборот
2016 йил кўрсаткичи:					
450	409	475	80	68	20
2017 йил кўрсаткичи:					
454	259	280	71	11	26
2018 йил кўрсаткичи:					
540	217	169	88	76	19
2019 йил кўрсаткичи:					
76	21	43	13	10	12

Натижалар шундан далолат бермоқдаки, Қуролли Кучларнинг ташкил этилиши, ватан ҳимоячиларининг касбий байрами муносабати билан маърифий ахборотларнинг сони кўпайиши кузатилган. Ҳарбий-техник соҳага оид ахборот ҳажмининг кўпайиши эса, мамлакатимизнинг Россия

Федерацияси, АҚШ ва бошқа давлатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорликка оид меморандумларни имзолаши натижасида кўпайиши билан характерланади. Бу, ўз навбатида, сиёсий коммуникация воситаси муҳофаа онгини шакллантиришда фаол иштирок этилмаётганлигини кўрсатади. Шунинг учун, сиёсий коммуникация воситалари фаолиятини такомиллаштириб, ҳарбий журналистика соҳасини ривожлантириш лозим. Сон кўрсаткичларининг корреляциявий таҳлили ( $P \leq 0,001$  дан  $P \leq 0,05$  гача) шундан далолат бермоқдаки, сўнгги йилларда ҳарбий-техник соҳага ҳамда ҳарбий-илмий соҳага оид ахборотлар оқими кўпайиб, сифат кўрсаткичи ошиб (65,0%, 72,0%, 79,0%, 81,0%) борилаётганлиги кузатилмоқда. Бу бевосита жамиятда муҳофаа ва хавфсизликка оид бўлган чора-тадбирларнинг мазмунан ўзгариб бораётганлигини кўрсатади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш жамият ҳаётининг хавфсизлигини, муҳофаани таъминлаш учун зарурат эканлиги асосланган. Жумладан, жамиятдаги интеграциялашув жараёнининг фаоллашуви ҳарбий салоҳият нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, унинг асосида аниқ бир сиёсатнинг ғоялари ифодалангани кўрсатилган. Умуман, мустақил давлат эволюциясига эътибор берилса, барча давру замонларда ҳар хил кўриниш ва воситаларда жамиятнинг турли табақалари иштирокида ягона мақсадга йўналтирилган ғоялар илгари сурилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ғоялар мажмуаси мафкура сифатида давлат ҳамда ундан кенгроқ миқёсда бир қатор вазифаларни бажариб келган. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ҳарбий ислоҳотлар юртимизда барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган.



Шахс, жамият ва давлат барқарорлигига раҳна солувчи таҳдидларнинг мавжудлигини инобатга олсак, ҳарбий хизматчи уларнинг салбий моҳиятини тушуниб етадиган, турли фавқулудда вазиятларда тўғри йўл тута оладиган, ўз бурчи ва қасамёдига содиқ қоладиган, хизмат манфаатини шахсий

манфаатдан доимо устун қўйиб, зиммасидаги мажбуриятни бажарадиган шахс бўлиши лозим. Ҳарбий хизматчида бугунги замонавий тўқнашувларга дош бера оладиган (тахдидбардош), давлатимиз сиёсатини тўғри англаб етадиган жиҳатлар етакчи ўринни эгаллаши лозим. Армия, жамиятнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, уни давр талаби ҳамда жаҳон ва минтақадаги мавжуд ҳарбий-стратегик вазиятлар характеридан келиб чиққан ҳолда мамлакатда кечаётган ўзгаришларга қатъий мувофиқлаштириш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳарбий хизматчиларнинг ихтисослик бўйича тайёргарлиги юқори даражада бўлишини таъминлашни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, файласуф, социолог, психолог, сиёсатшунос, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимларимиз олдида турган, ўз ечимини кутаётган галдаги вазифа ҳисобланади.

Замонавий жанг театр майдони ҳарбий жамоаларни бошқариш усули, шахсий таркибни муҳофаазий фаолиятни бажаришга тайёрлаш усули ёки қурол-аслаҳа, ҳарбий тактика ва рақибга зарба бериш тартибини сезиларли даражада ўзгартиришни тақозо этмоқда. Чунки ноанъанавий тарзда кўкқисдан ҳужум уюштириш, тоғли ҳудуд ва шаҳарда операциялар ўтказиш тактикаси такомиллашиб бормоқда.

